# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 июль, № 145 (5819) Жума


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.**





Учрашувда икки томонлама муносабатларга, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ мулоқоти конструктивлик ва мунтазамлик касб этиб бораётганини, бу томонларни қизиқтирган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бераётганини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий муаммолар кўриб чиқилар экан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Генерал Л. Остин самимий қабул ҳамда икки томон учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## ЭЪТИРОФ

*Германияда нашр этиладиган қатор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида немис сайёҳларининг ўлкамиз бўйлаб амалга оширган саёҳатлари ҳамда Ўзбекистоннинг бой туризм салоҳияти ва тарихий-маданий мероси мавзуига бағишланган мақолалар эълон қилинди.*

# «Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг ганжинаси»

Жумладан, сайёҳлик соҳаси билан шуғулланадиган **“DERPART Reisevertrieb GmbH”** компаниясининг интернет-порталида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган “Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг ганжинаси” сарлавҳали мақолада баҳор ва куз фасллари юртимиздаги қадимий шаҳарлар бўйлаб саёҳат учун энг қулай пайт эканлиги қайд этилади.

“Кўҳна Шарқ ва унинг меъморчилиги шайдоси бўлган ҳар қандай инсон Ўзбекистонга ошуфта бўлиб қолади. Мазкур мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун, даставвал, Тошкентдан Самарқандга, сўнгра эса Бухорога йўл олиш ва Хивада саёҳатни якунлаш мумкин. Бу афсонавий шаҳарларнинг ажойиб меъморий ёдгорликлари ҳамда у ерда истиқомат қиладиган инсонларнинг меҳмондўстлиги ва самимийлиги бутун дунё сайёҳларини ўзига ром қилиб келмоқда”, деб ёзади мақола муаллифи Марион Штингль.

**(Давоми 4-бетда).**

# Юксак ишонч ва масъулият ифодаси

*Кеча матбуотда эълон қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони бевосита халқ ичида меҳнат қилаётган маҳалла фаолларига бўлган Юртбошимизнинг алоҳида эътибори ва юксак ғамхўрлиги ифодаси бўлди. Унга кўра, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ тизим фаоллари давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланди. Бу, табиийки, жойларда ҳамюртларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Буни мукофотланганларнинг дилдан чиқаётган сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

## ДИЛ СЎЗИ

**Тожибар ЮЛДАШЕВА, Хўжаобод туманидаги “Шаҳрихонсой” шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси:**

— Маҳалла азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар масканн бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланган. Истиқлол даврида эса маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ортиб, ваколатлари доираси тобора кенгаймоқда, энг халқчил идора сифатида эътироф этилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## Қисқа сатрларда

● Навоий вилоятида “Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ, “Саломатлик автобуси” ташкил этилиб, малакали шифокорлар олис туманлар аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Лойиҳа доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига 14 турдаги бепул дори-дармон ва кийим-кечаклар тарқатилди.

● **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимини ва касб маҳоратини оширишга бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилаётган ютуқларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, журналист масъулияти ҳамда вазифалари хусусида сўз юритилди.**

● Наманган шаҳрида “Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида “Маҳалладан бошланур Ватан” мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида маҳаллаларда ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа хўжалигидан унумли фойдаланиш борасида қилинаётган ишларни акс эттирувчи кўргазма ҳам намойиш этилди.

● **Сирдарё вилоятида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган “Бунёдкор” ёшлар меҳнат гуруҳларида 500 дан зиёд ёшлар ёзги таътил вақтида бунёдкорлик юмушларига яқиндан кўмаклашмоқда. Хусусан, Гулистон туманида барпо этилаётган янги Зарбдор массивида Гулистон давлат университети талабаларидан иборат учта гуруҳ меҳнат қилмоқда.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# «ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

“Маънавият” нашриёти томонидан “Президентга мактублар” китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.




Маълумки, мазкур китобнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда нашр этилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Китобнинг янги — учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндалари томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига 2009 — 2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

Шу йил 25 июль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур йиғилишда таниқли олимлар, тарихчи ва файласуфлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ўқувчи ва талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тақдимот маросимида “Президентга мактублар” китобининг учинчи жилди мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеа экани таъкидланди. Ушбу тўпламдан ўрин олган, турли касб ва ижтимоий тоифага мансуб юртдошларимиз томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари учун амалга оширилаётгани ва уларнинг амалий натижалари ҳар бир оила, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида яққол намоён бўлаётгани аниқ мисоллар асосида акс эттирилгани, барча мактублар ўзининг самимий руҳи, Ўзбекистон раҳбарига юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан алоҳида ажралиб туриши ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети профессори А. Расулов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор А. Маврулов, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Н. Мўминова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист С. Ашуров, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси М. Иззатуллаева, адабиётшунос олимлар З. Исомиддинов, С. Аҳмедов, ёзувчи У. Ҳамдамов ва бошқалар сўзга чиқиб, “Президентга мактублар” китобининг учинчи нашри Ўзбекистон Президентининг ғоят масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар халқимиз ҳамда кенг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот бериши, бу борадаги тушунча ва тасаввурларни кенгайтириши, ёш авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

*Халқимиз истиқлолнинг йигирма икки йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган шу кунларда юртимизнинг мустақил тараққиёт йўлига яна бир бор назар ташлаймиз. Бугунги ёруғ кунларга, ютуқ ва марраларга қандай омиллар эвазига эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказамиз.*

*Мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри йўл сифатида танланган, бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бераётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — “ўзбек модели” ана шундай энг муҳим омиллардандир.*

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### Қалтис вазият

Юртимизда ўтган асрнинг 80-йиллари охирида вужудга келган вазиятни чуқур ўрганган олимлар, эксперт ва таҳлилчилар айнан ана шу иборани қўллайдилар. Дарҳақиқат, ўша суронли йилларда Ўзбекистондаги аҳвол жуда қалтис эди.

Ўша пайтда республикамиз барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқ республикалари ичида охирги ўринларда турар, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш эса ўртача иттифоқ кўрсаткичидан 2 баробар кам эди.

Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ҳукмронлиги оқибатида озиқ-овқат масаласида ўзгаларга қарам эдик. Кундалик эҳтиёж учун зарур истеъмол молларининг учдан икки қисми, ҳатто, оддий туз ва гугурт ҳам тўлиқ четдан олиб келинарди.

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганининг эртаси кунийёқ ҳукумат мажлисида республикада вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятга объектив баҳо берган ҳолда, унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, шундай якуний хулоса чиқарди: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”.

Бу даъват юртимизда сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида кенг қамровли ишлар, миллий давлатчилик тарихида янги даврнинг бошланиши бўлганини кейинги жараёнлар яққол кўрсатди.

### Ўзимизга мос ва ўзимизга хос

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда айрим халқаро молиявий ташкилотлар ривожланган давлатларда қўлланилган бозор механизмларини татбиқ этишни маслаҳат берди. Биз улардан тўғридан-тўғри нусха кўчирмадик.

Дунёда тан олинган моделларнинг энг яхши жиҳатларини ўрганиб, ўзимизга мос ва ўзимизга хос тараққиёт йўлини танладик. Бу йўл давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий-диний қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Машҳур беш тамойилга — иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат — бош ислоҳотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган ана шу модель бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу моделнинг барча синовлардан муваффақиятли ўтишига сабаб бўлган омиллари кўп. Уларнинг энг асосийси — иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда турли хил сакрашларсиз, яъни инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлидан бориш тамойилидир.

Ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи сифатида бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши ана шундай тадрижийликнинг муҳим жиҳатидир. Халқаро ташкилотлар ҳам бугун ўтиш даври иқтисодиётида, чуқур ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг роли, ҳақиқатан ҳам, катта экани, буни Ўзбекистон тажрибаси амалда исботлаганини эътироф этди. Ҳозирги кунгача давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли ошаётгани Ўзбекистоннинг бу борадаги йўли нақадар тўғри эканини исботлади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда дунё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди. Ана шундай узоқни кўзлаб кўрилган чора-тадбирлар туфайли инқироз авжига чиққан энг оғир йилларда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик сақлаб қолинди, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Энг муҳими, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш натижасида унинг рақобатдошлиги ошди.

Тошкент шаҳрида ушбу дастурни ва унинг самарадорлигини ўрганишга бағишлаб ташкил этилган нуфузли халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари — жаҳон миқёсида кўзга кўринган йирик иқтисодчи олимлар, эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини тўла қўллаб-қувватлаб, бу тажрибани бошқа давлатлар амалиётида қўллаш бўйича тавсиялар берди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўзбек моделини назарий ва амалий жиҳатдан янада бойитди. Ушбу концепция, айниқса, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишларимизни янги босқичга кўтаргани билан аҳамиятлидир.

## Дунё эътироф этган юксак самаралар

Истиқлол халқимизга янги тараққиёт уфқларини очиб берди. Тарихан қисқа, мазмунан бой мустақиллик йилларида Ватанимиз истиқболи йўлида асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди.

"Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг" тамойили асосида олиб борилган ислоҳотлар туфайли турли йўқотишларга йўл қўйилмасдан, барча соҳалар мутаносиб ҳолда ислоҳ этилиб, янада ривожлантирилди, янги жамиятнинг мустаҳкам асослари яратилди.

Собиқ иттифоқдош республикалар орасида фақат Ўзбекистонимизда 1996 йилдан бошлаб изчил иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Агар 1996 — 2003 йилларда ўртача ўсиш суръати 4,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилдан бу жараён янги босқичга кўтарилди — 7,5-9 фоиз ўсиш суръатларига эришилмоқда.

Дунё давлатларининг аксариятда иқтисодий ўсиш тушиб кетган, ҳалигача рецессия ҳолати кузатилаётган, ривожланган мамлакатларда давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги ошиб, ишсизлик даражаси ортиб бораётган инқироз даврида — 2008 — 2012 йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати йилига ўртача 8,4 фоизни ташкил қилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2012 йилда 1990 йилдагига нисбатан 4,1 баробар ошиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,8 баробар кўпайди. Ўзбекистон барқарор юқори ўсиш суръатлари давом этаётган етакчи 10 та давлат қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда изчил юқори иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, унинг таркибида хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган тармоқлар улушини кўпайтириш, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар сафини кенгайтириш ҳисобига таъминланмоқда.

Пировардида миллий иқтисодиётимиз нафақат ҳажм жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам тубдан ўзгарди. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳиссаси изчил ошиб бораётгани, хусусан, 1990 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида ушбу соҳаларнинг улуши мутаносиб равишда 17,6 ва 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 24 ва 52 фоизга етгани бунга мисол бўла олади.

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилиб, жумладан, 2012 йилда 1990 йилдагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробар ошди. Шунга қарамасдан, унинг ЯИМдаги улуши ушбу йилларда 33,4 фоиздан 17,5 фоизгача тушди.

Ислоҳотларнинг барча босқичларида, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали мазкур секторни жадал ривожлантиришга устуворлик бериб келинмоқда. Бугунги кунга келиб, ялпи ички маҳсулотда уларнинг ҳиссаси 54 фоиздан кўпайгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 98 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келаётгани шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир.

Энг муҳими, кичик бизнес одамларга ўз билим ва малакасидан, тадбиркорлик қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, эркин меҳнат қилиш, унинг маҳсулидан ўзи ва жамият аъзоларини баҳраманд этиш, мулкка эгалик қилиш, барқарор даромад манбалари яратишнинг асосий омилига айланди. Ҳозирги кунда аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромадларнинг улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил қилаётгани шундан далолат беради.

Шу билан бирга, истиқлолнинг илк даврларидан саноатни маҳаллий ресурслар асосида, ички ва ташқи талабдан келиб чиққан ҳолда, ривожлантириш сиёсати туфайли тармоқда жиддий таркибий ўзгаришлар содир бўлди. Қазиб олиш саноати улуши камайиб, қайта ишлаш тармоқларининг ҳиссаси ортди. Айниқса, тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришга устуворлик берилди. Натижада мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 баробар ошдики, ҳозир унинг салкам 40 фоизи экспорт қилинмоқда.

Буларнинг барчаси, аввалambor, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини рўёбга чиқариш туфайли қўлга киритилди.

## Кучли ижтимоий сиёсат

Мустақилликка эришган пайтимизда юртимизда ҳар бир дақиқада аланга олиб кетиши мумкин бўлган ўта қалтис ижтимоий вазият вужудга келган эди. Аҳолининг ўсиш суръатлари ўртача собиқ иттифоқ кўрсаткичидан 3 баробар юқори эди. Бунинг устига, меҳнат ресурслари аҳолининг ўртача ўсиш кўрсаткичидан 2 баробар тез ўсаётганди. Охир-оқибатда ишсизлик даражаси ортиб, аҳоли даромадлари кескин тушиб бормоқда эди.

Мамлакатимиз шундай бир оғир, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида турган бир шароитда ўз олдимизга ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифасини қўйдик.

Шу боис ҳам, миллий моделимизнинг ўзига хос, кучли жиҳатларидан бири — тараққиётнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритилганлиги, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоя қилинганлиги бўлди.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан белгилаб олинган "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" тамойилига қатъий амал қилинди. Бозор ислоҳотлари ушбу тамойил асосида амалга оширилгани натижасида айтиш керакки, энг оғир ўтиш даврида ҳам жамиятимизда ижтимоий адолат ва барқарорлик сақлаб қолинди.

Айниқса, ўша пайтда аҳолининг 60 фоиздан ортиғи истиқомат қилаётган қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий шароит жуда оғир эди. Президентимиз томонидан ушбу вазият ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой қуриш ва деҳқончилик билан шуғулланиш учун 2,5 миллионта оилага 700 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилгани улкан тарихий воқеа бўлди. Бу энг оғир ўтиш даврида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш баробарида, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси тушиб кетишининг олдини олди.

Бундан ташқари, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилмоқда. Буни давлат бюджети тақсимоти мисолида яққол кўриш мумкин. Агар 1990 йилда харажатларнинг атиги 31 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йилда қарийб 60 фоизни ташкил этди. Унинг 34 фоизи таълим, 15 фоизи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилди.

Айни чоғда юртимизда тизимли асосда, босқичма-босқич ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва равнақ топтиришга қаратилган, дунёда кенг эътироф этилган умуммиллий дастурлар амалга оширилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти, санъат мактаблари, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш шароити ва қишлоқда намунавий уй-жой қуриш борасидаги дастурлар эса бугунги кунда ўзининг юксак самаралари билан халқаро ҳамжамиятнинг ҳавасини келтирмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда аҳолининг ялпи даромади 12,2 баробар ошди. Нуфуснинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,2 ёшга етди. Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига яқинлашгани диққатга сазовордир.

## Тинчлик-осойишталик — барча ютуқларимиз омили

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик муҳити барча соҳалардаги ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда".

Юртимиздаги барқарор юқори иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг юксалиши — буларнинг барчаси тинчлик туфайли таъминланаётганини ҳар биримиз чуқур англаб турибмиз. Ўз навбатида, бугун жаҳонда рўй бераётган мураккаб ва қалтис воқеалар барчамиздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб қилмоқда. Шундай экан, мусаффо осмонимиз, файзу баракали ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни янада мустаҳкамлаш ҳаммамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Авазбек СОДИҚОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**
**(ЎзА).**

# Юксак ишонч ва масъулият ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни ўзим фаолият олиб бораётган маҳалла мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги пайтда фуқаролар йиғинида 2 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирининг қизиқиши, керак бўлса, орзу ва ўйларидан бохабармиз. Маҳалламизда тарғибот тадбирларини изчил амалга оширaётганимиз сабабли сўнгги уч йилда ҳудудда бирорта нотинч оилалар ва ажримлар қайд этилмади. Бу ҳам маҳалламиз аъзоларининг аҳиллигидан, деб ўйлайман.

Юртбошимиз бу борадаги камтарин меҳнатимни юқори баҳолаб, давлат мукофотига лойиқ кўрганликларидан бошим кўкка етди. Нафақат мен, балки қавму қариндошларим, маҳалладошларим жуда мамнун бўлди.

**Лутфия САФАРОВА,**
**"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси:**

— Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" бугун қандай ижобий натижалар бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Унинг асосий тамойилларидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, яъни кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кекса ва ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга моддий-маънавий ёрдам бериш масалаларига кенг эътибор бериб келинаётир. Бунда, табиийки, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти салмоқлидир.

Бугун фонднинг вилоят бўлими томонидан фуқаролар йиғинларида тизим фаолиятига оид яқинда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг самарали ижросини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини ташкил этиш, йиғинлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш ҳамда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби йўналишлар бўйича услубий ва амалий кўмак бериб келинмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада қилаётган меҳнатим Юртбошимиз томонидан юқори баҳоланган экан, бундан жуда ҳам мамнунман.

**Раъно ЖОНҚУВАТОВА,**
**Ғузор туманидаги "Зарбдор" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси:**

— Бугун маҳаллага берилаётган эътиборни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Дарҳақиқат, маҳалланинг ваколатлари тобора кенгайиб, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ва таъсири ошиб бормоқда. Узоққа бормайлик, Юртбошимиз тақдим этган Концепциядан келиб чиқиб, маҳаллаларимиз аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказлари сифатида шакллантирилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тафаккурини юксалтириш, жойларда қонун ҳужжатлари, умумдавлат ва ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини кенгайтириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Буни йиғинимиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда тадбиркорларимиз сони кўпайди. Уларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдаги улуши сезиларли даражада ортиб бораётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Бу муваффақиятларда маҳалла тизимида фаолият юритаётган фаолларнинг ҳам ҳиссаси борлигидан доимо фахрланамиз. Бу борадаги камтарона меҳнатим давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилганидан жуда мамнунман. Албатта, бундан руҳланиб, юртимизни янада тараққий эттириш йўлида бор куч-ғайратим ва билимимни сарфлайман.

**Гуландом РУСТАМОВА,**
**Ҳазорасп туманидаги "Бешта" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси:**

— Мамлакатимизда маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини тобора кўпроқ намоён этмоқда. Зеро, бугунги кунда унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айни чоғда йиғинимизда ташкил этилган "Ота-оналар университети" фаолиятини бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш ҳамда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Ҳозир маҳалламиз ҳудудида 7 минг 300 нафардан зиёд аҳоли бўлиб, уларнинг аксариятини аёллар ва ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлашни йўлга қўйдик. Бу амалда ўз самарасини бермоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кейинги йилларда йиғин ҳудудида биронта ҳам жиноят ва бошқа салбий ҳолатлар қайд этилмади. Буларнинг барчаси таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда профилактика инспекторлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик самараси, деб ўйлайман.

Юртбошимизнинг маҳалла тизимидаги фаолларга бўлган юксак эътибори зиммамдаги масъулиятни янада оширади, десам, айни дилимдаги гапларни айтган бўламан.

*Бундай жўшқин дил сўзларини нафақат давлат мукофотлари билан тақдирланганлар ёки улар оила аъзоларидан, балки ҳар бир юртдошимиздан эшитиш мумкин. Зеро, маҳалла ва маҳалла фаолларига берилаётган бундай юксак эътибор шу муқаддас заминда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир кишига қаратилган ғамхўрлик ифодасидир.*

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.**

### Андижон томонларда

***Қўрғонтепа туманидаги "Универсал люкс" масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 50 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди.***

## Янги қувватлар ўзлаштирилди

Натижада бу ерда автомобиллар учун йилига 1 млн. 200 минг дона бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Асосан ёшлардан таркиб топган меҳнат жамоаси ўтган қисқа муддатда буюртмачиларга 45 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот етказиб берди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган олти ойида тумандаги мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига 219 та иш ўрни яратилди.

## Болалар учун спорт кийимлари

***Асака туманининг Кужгон қишлоғидаги спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Субҳидам пойдевор" хусусий корхонаси техник ва технологик жиҳатдан янгилангач, бу ерда сифат ҳамда самарадорлик янада ортди.***

Мазкур кичик корхонанинг малакали чевар қизлари сўнгги икки ой давомида 50 миллион сўмликдан зиёд спорт либослари тикиб, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларига етказиб берди.

Шу билан бирга, ушбу корхонада консерва банкалар учун қопқоқлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Нафис, бежирим ва харидоргир

"Diamond-Glass" маҳсулотларига ана шундай таъриф берилмоқда.

*Жавонларга дид билан териб қўйилган бежирим шиша буюмларни деярли ҳар бир хонадонда учратиш мумкин. Илгари уй бекалари бундай совғабоп маҳсулотлар ва нафис идишларни "чет элники" дея ғурурланиб гапиришгани, кўз-кўз қилишгани ҳам кўпчиликка маълум. Бугунги кунга келиб эса ана шундай буюмлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, уларнинг сифати хорижникидан асло қолишмайди.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН




Хусусан, Жомбой туманидаги "Diamond-Glass" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси 2008 йилда 20 хилдаги шиша буюм ва идишлар ишлаб чиқариш билан фаолият бошлаган эди. Ҳозирга келиб бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 50 дан ошиб кетди. Шунингдек, ўтган 5 йил давомида ишчилар сони қарийб икки баробар ортиб, 70 нафарга етгани корхона буюртмачилари сони тобора кўпаяётганидан далолат беради. Масалан, 2011 йили "Diamond-Glass" жамоаси томонидан 927 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1 миллиард 400 миллион сўмни ташкил этди.

— Бозор талабларидан келиб чиқиб, технологияларимизни босқичма-босқич модернизация қилиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари Аҳтам Маҳмадаминов. — Иш уч сменада ташкил этилгани сабабли фаолиятимизда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб ускуналаримизни ҳам табиий газ, ҳам кўмир билан ишлашга мослаштирганмиз. Келгусида маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириб, уларни хорижга экспорт қилмоқчимиз.

Дарвоқе, айни пайтда "Diamond-Glass" жамоаси янги бизнес лойиҳани рўёбга чиқариш ҳаракатида. Бу орқали жорий йил якунига қадар атир маҳсулотлари ҳамда дори-дармон воситалари учун идишлар ишлаб чиқариш ҳамда 30 та қўшимча иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари ижроси жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишида атрофлича таҳлил этилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

### СИРДАРЁ

Вилоят ҳокими О. Ашурматов олиб борган йиғилишда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш-пудрат ишлари 12,3, чакана товар айланмаси 16,2, хизматлар 15,4 фоизга ўсгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш дастурига кўра, вилоятда 21 минг 447 иш ўрни яратилганига тўхталиб ўтилди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 94,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада 12 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда 2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида саноат, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, айрим соҳалар ривожида сусткашлик ва фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилиб, мазкур нуқсонларни бартараф этиш ҳамда энг муҳим устувор вазифаларни изчил бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

### ЖИЗЗАХ

Вилоят ҳокими С. Исмоилов бошқарган йиғилишда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,3 фоизга, пудрат ишлари 14,5, чакана товар айланмаси 15,0 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 12,7 фоизга ўсгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан 23 минг 698 янги иш ўрни яратилиб, уларнинг 68,7 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келгани эътироф этилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга 312 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилиб, салмоқли ишлар бажарилган.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни кўпайтириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, ахборот-технологияларини янада ривожлантириш борасида аниқ топшириқлар берилди.

**Улуғбек АДИЛОВ.**

### НАМАНГАН

Вилоят фаоллари йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Юсупов маъруза қилди.

Қайд этилганидек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш ҳажми 11,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,3, қишлоқ хўжалиги 6,6, қурилиш ишлари 9,7, пуллик хизматлар кўрсатиш 17,1 фоизни ташкил этган.

2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2031 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 53 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Бандлик дастурининг ижросини таъминлаш борасида эса 38,7 минг иш ўрни яратилди.

Ҳисобот даврида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари миқдори Тўрақўрғонда 3,4, Мингбулоқда 3,5, Учқўрғонда 4,2 фоиз паст кўрсаткичларни ташкил этганига тўхтаб ўтилди.

Шунингдек, иқтисодий ривожланиш имкониятларидан самарали фойдалана олмаётган бир қатор туманлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти танқид қилинди. Йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ.**

ХИЗМАТ

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси, маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч кучига айланди. Ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини кўпайтиришда мазкур тизимнинг улуши йил сайин ошиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Бу юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, уларнинг бизнес лойиҳалари тижорат банклари томонидан имтиёзли равишда молиялаштирилаётгани самарасидир. Натижада ҳар йили кўплаб истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаяпти.*

# САЛОҲИЯТЛИ ҲАМКОР, МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР

"Агробанк" ОАТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ҳам кичик бизнес субъектлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, унинг молиявий кўмаги туфайли ҳудудда тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 21,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, бунинг эвазига 1529 та иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, кредитларнинг 6,3 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, улар қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилди.

— Кўп йиллардан буён "Агробанк" билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди "Софан" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Озода Пардаева. — Яқинда банкка ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, нон ва нон маҳсулотларини пишириш ускунасини сотиб олиш учун кредит сўраб мурожаат қилган эдик. Банк томонидан бизнес лойиҳамиз ўрганилиб, унинг ижросига киришиш учун 200 млн. сўм кредит берилди. Пировардида сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яна 4 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича ҳам "Агробанк" томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда жойларда ўқув семинарлари ташкил этилиб, қишлоқ ёшларининг бизнес фаолиятига кўмак берилаётгани эътиборга моликдир. Бунинг самараси ўлароқ, кўпгина ёшлар тадбиркорлик билан шуғуллана бошладилар. Аниқроғи, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, кредитлар ажратилиб, кўплаб корхона, савдо шохобчалари ва деҳқон хўжаликларига асос солинди. Масалан, Китоб агросаноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган Дилобар Ўктамова банкнинг 7,5 млн. сўмлик кредити эвазига боғдорчиликни йўлга қўйди. У айни пайтда ўзининг боғида олма, ўрик, олхўри, хурмо, нок кўчатларини парваришламоқда.



*Банк филиаллари томонидан, шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган 1285 дан ортиқ тадбиркор аёлларга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ҳужжатга мувофиқ, 1,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани шундан далолат беради.*

Барчага аёнки, юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон товарлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий ҳамда юқори унумли технология билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил қилади. Президентимизнинг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилгани ана шу эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда. Гап шундаки, ушбу дастурлар доирасида жорий йилнинг олти ойида фақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун 8,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўйича 329 та лойиҳа амалга оширилди. Шу билан бирга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун 4 млрд. 317 млн. сўмлик кредитлар берилди.

— "Агробанк" ишончли ҳамкор сифатида бизни молиявий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда, — дейди "Файз-БШФ" хусусий фирмаси раҳбари Собир Воҳидов. — Яқинда алюминий профилларидан эшик ва ромлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳамизни тақдим этган эдик. Банк жамоаси уни маъқуллаб, 75 млн. сўмлик кредит ажратди. Натижада 4 киши ишли бўлди, маҳсулотларимиз эса бозорга чиқарилди.

Мухтасар айтганда, "Агробанк"нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоаси истиқболли лойиҳалар рўёбига камарбаста бўлиб, ўз маблағлари, тезкор ва сифатли хизматлари билан қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг тармоқлари ривожига бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшаверади.

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**

# «Эртаклар юрти»да мароқли ҳордиқ



*Шу кунларда мамлакатимиздаги барча дам олиш оромгоҳлари болажонлар билан гавжум. Уларда ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, билим ва дунёқарашини янада бойитиши учун барча шарт-шароит яратилган.*

ЭЗГУЛИК

Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қишлоғида жойлашган "Ором" болалар соғломлаштириш оромгоҳи бағрида ҳам келажагимиз эгалари бўлган навқирон авлод вакиллари мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда.

"Ипотека-банк"нинг 250 миллион сўмдан ортиқ маблағи эвазига ташкил этилган ушбу 100 ўринли масканга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри ва вилоятидан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташриф буюрган. Уларнинг мазмунли дам олиши учун ёзги мавсум "Ором" — мўъжизалар мамлакати", "Бўлажак банкирлар", "Ором" — эртаклар юрти" шиорлари остида уч қисмга бўлинган.

Мазкур масканга кириб борар экансиз, болаларнинг шўх-шодон кулгиси эътиборингизни тортади. Турли спорт тўгаракларида катта қизиқиш билан машғулот ўтаётган ўғил-қизларни кўриб, ҳавасингиз келади. Замонавий сувни фильтрлаш тизими асосида ишлаётган очиқ бассейн, футбол, волейбол, баскетбол ва катта теннис майдончалари ҳам ёшлар ихтиёрида.

— Оромгоҳларда яратиб берилган бундай шарт-шароитлар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, илм-фан ва касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштириши учун хизмат қилмоқда, — дейди тарбиячи Феруза Мамбекова. — Мавсумни мазмунли ташкил этиш учун махсус дастур асосида иш олиб борилаётгани айни муддао бўлаётир. Турли кўрик-танловлар, "Шарқ бозори", "Нептун куни", дунё халқлари рақслари, подиум-арт, комик футбол, шунингдек, маданий дастурлардан дам олувчилар, айниқса, мамнун. Бундан ташқари, бу ерда малакали мутахассисларнинг кўрсатма ва тавсиялари асосида "Қувноқ рақс", "Сеҳрли қўлчалар", "Шарқ доираси" шахмат-шашка тўгараклари болаларнинг севимли машғулотига айланган.

Болалар машғулот ва тўгараклардан бўш вақтларида турли мавзудаги асарлар жамланган кутубхонага таклиф этилаяпти. Маънавият хонаси ва замонавий кинозал ҳам уларнинг хизматида.

— Бу ерда кўплаб янги дўстлар топдим, — дейди 13 ёшли Ҳасан Ҳабибуллаев. — Ҳаммамиз биргаликда қизиқарли китобларни ўқиймиз, мусобақаларда иштирок этамиз, кечқурун эса рақсга тушиб, қўшиқлар айтамиз.

— Инглиз тилидан билимларимизни ҳам ошириб бораяпмиз — дея қўшимча қилади Ҳусан Ҳабибуллаев.

Оромгоҳ раҳбарияти, шунингдек, болаларни беш маҳал сифатли ва витаминларга бой таомлар билан сийлаётир. Таомномага сут маҳсулотлари ва ҳўл мевалар киритилиши қатъий назоратга олинган.

Келгуси йилда "Соғлом она — соғлом бола" шиори остида болаларни ота-оналари билан биргаликда оромгоҳга таклиф этиш орқали оилавий соғломлаштириш ва дам олишини ташкил қилиш режалаштирилаётгани эътиборга моликдир.

**Азиз МУҲИДДИНОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика олий таълим муассасалари учун 2013 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш бўйича қайта тендер эълон қилади.

**Тендер номи** — Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш.

**Буюртмачи** — вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (кейинги матнларда ОЎМКҲТРМ деб юритилади).

**Манзили:** Тошкент шаҳри, 100060, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

**Телефонлар:** (8-371) 233-34-30, 233-33-08, 233-33-84. **Факс:** (8-371) 233-34-96.

**Молиялаштириш** бюджет томонидан ажратилган марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Молиявий манбаларининг энг юқори суммаси** — 750 000 000 (етти юз эллик миллион) сўм.

**Тўлов шартлари** — пул ўтказиш йўли билан. Шартнома қийматининг 15 % олдиндан, қолган 85 % буюртма бажарилганидан кейин амалга оширилади.

**Ишчи орган** — «STANDART-AUDIT» масъулияти чекланган жамияти.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.

**Тел.** (+99890) 185-21-37.

Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхати 8 та лотга тақсимланган: (№ 1, № 2, № 3, № 4, № 5, №6, №7, №8) лотлар бўйича рўйхати тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

**Маҳсулотни етказиб бериш муддати ва шартлари:** олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг шартномага мувофиқ 60 календарь кундан кўп бўлмаган муддатда ОЎМКҲТРМнинг омборхонасига етказилади.

Мазкур тендер очиқ турда ўтказилиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларни нашр этиш ва буюртмачига сифатли ҳамда баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имконияти, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш бўйича махсус рухсатнома (лицензия)га ҳамда малакали тажрибага эга барча хўжалик субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендерда қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

— янги ташкил этиш (қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
— давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлганлар;
— мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарздорлик мавжуд бўлганида;
— вазирлик ва ОЎМКҲТРМ билан аввал имзоланган шартномалар бўйича мажбуриятларини ўз муддатида бажармаган;
— вазирлик ва ОЎМКҲТРМ билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошидан кечираётган;
— тендер комиссиясининг тижорат ва молиявий талабларига жавоб бермайдиган;
— фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқилаётган.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малака танлови (саралаш босқичи)дан ўтказилади. Бунда талабгорлар Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни алоҳида тақдим этишлари лозим:

— Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;
— маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— маҳаллий давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
— давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув далолатномасининг асл нусхаси;
— хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Тендер таклифлари (ҳужжатлари) фақат ҳар бир лот бўйича муҳрланган, елимланган икки қаватли хат жилдида: ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи хат жилдида тендер қатнашчиси томонидан закалат суммаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тендер ҳужжатининг 5.2.-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар), иккинчи хат жилдида — тендер таклифи, савдоси эълон қилинган товарнинг номи ва нарх таклифлари (тендер ҳужжатининг 5.3.-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар) жойлаштирилган ҳолда топширилади.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва тендер эълон қилинганидан сўнг олинган бўлиши шарт.

Тендерда иштирок этиш учун даъвогарларнинг қўйилган талабларга мувофиқлигини ўрнатилган тартибда аниқлаш мақсадида Малака танлови (саралаш босқичи) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 5 кунгача муддат оралиғида ўтказилиши кўзда тутилган.

Тендер ҳужжатларини олиш учун ОЎМКҲТРМнинг **(ш./х/р. 400110860262737950100079003 СТИР: 201654145, ОКОНХ: 92200, Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010, ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси МФО: 00014, СТИР: 201122919)** ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича **200000 (икки юз минг)** сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт.

Тўлов тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди. Тендер ҳужжатларини эълон чиққан кундан бошлаб 30 календарь куни давомида (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органидан нашриётларнинг ваколатли шахси олиши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумотни давлат харидлари портали (xarid.uz)дан ҳам олиш мумкин.

Тендерда қатнашиш бўйича белгиланган тартибда қайтариладиган закалат миқдори (ҳар бир лот бўйича алоҳида) **2 500 000 (икки миллион беш юз минг)** сўмга тенг миқдордаги кафолати ОЎМКҲТРМнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланиши шарт.

Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари (конверт)нинг кўриб чиқиш санаси ва жойи тендер комиссияси томонидан белгиланади. Бу ҳақда ишчи орган талабгорга ёзма хабар беради.

Тендер таклифлари (конверт) очилишида талабгорларнинг ишончли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Ўқув адабиётларини чоп этишда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена талабларига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларга мувофиқ бажарилиши шарт.

Матбаа талаблари тендер ҳужжатларида келтирилган.

1228R/739

## НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

### қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**I. Кафедра мудири:**

1. Кончилик иши.
2. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
3. Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
5. Жисмоний маданият.
6. Ўзбек ва чет тиллар.
7. Олий математика.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентларига:**

- Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Жисмоний маданият: ассистент — 1 ўрин.
- Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Металлургия: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Иқтисодиёт ва менежмент: доцент — 1 ўрин.
- Кимёвий технология: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Умумий физика: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Ўзбек ва чет тиллар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.

**ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринларига**

**I. Кафедра мудири:**

— Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентлари:**

- Кончилик иши: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Ижтимоий-гуманитар фанлар: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Металлургия ва кимёвий технология: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ бўйича вакант ўринлари**

**I. Кафедра мудири:**

— Ижтимоий-гуманитар фанлар.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентларига:**

- Ижтимоий-гуманитар фанлар: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Табиий ва умумтехника фанлари кафедраси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

***Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:***

1. Ректор номига ариза.
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси.
4. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестациялар нусхалари.
5. Илмий-услубий ишлар рўйхати.
6. Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар.

*Изоҳ: ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институти, ўқув-услубий бўлими. Мурожаат учун телефон: (8-436) 770-29-40.**

1224R/710

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 10 октябрдаги 1-14-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган «Орзу» қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй-жой мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 476 929 928 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 8 октябрдаги 1-14-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 гектарли иссиқхона қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 040 387 924 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 13 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016; МФО: 00111; СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1219R/1453

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### *очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖ Қорақалпоғистон филиалида 2013 йил 27 август ва 13 сентябрь кунлари соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

**1.** Тўрткўл тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани ФИБ судининг 2011 йил 18 июндаги 1245-ижро варақасига асосан хатланган, Тўрткўл тумани, А. Пирманов кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 19,00 кв.м. бўлган хусусий дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 12 641 985 сўм.***

**2.** Тўрткўл тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2010 йил 29 ноябрдаги 23-1007/12907 (17) - сонли ва 2010 йил 28 майдаги 23-01004 (17) - сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тўрткўл тумани, К. Нурумбетов МТПга қарашли, «К. Нурумбетов» ОФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 350,80 кв.м. бўлган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 102 189 635 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 27 август кундаги аукцион савдосига 23 август куни, 13 сентябрь кундаги аукцион савдосига 11 сентябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital Realtor Group» МЧЖ Қорақалпоғистон филиалининг «Капиталбанк» ОАТБ Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904927571009, МФО: 01038, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Нукус ш., Амир Темур к., 122-уй, 2-қават, 15-хона. Тел.: (8-361) 222-83-41.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0017.*

1220R/105

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ҳамда Тошкентнинг “сирли ва афсонавий” меъморий сиймосини тасвирлар экан, муаллиф “бу шаҳарларга саёҳат қилган киши ҳозирги кунга қадар ажойиб ҳолда сақланиб қолган нақшли безаклар ва мовий гумбазларнинг гўзаллигига беихтиёр асир бўлиб қолади”, дея эътироф этади. У Регистон майдони ва шу сингари бошқа тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО даврида ушбу шаҳарлар нафақат йирик савдо ўчоқлари, балки илм-фан ва маданият марказлари бўлганини ҳам эслатади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шарқона гўзаллик ва сирлилик тимсоллари ҳисобланади. Бежиз Гёте ўз асарларида Самарқанд ва Бухорони мадҳ этмаган”, деб ёзади нашр.

Мақолада “Афсоналарга бурканган, ўтмишда савдо-сотиқ ва илм-фан маркази бўлган, бутун жаҳондан минглаб одамлар келиб тўхтайдиган

# «Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг ганжинаси»

Бутунжаҳон мероси рўйхатидан бежиз жой олмаганини алоҳида қайд этади.

Марион Штинглнинг ёзишича, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат германиялик сайёҳларда асрлар давомида афсонавий Буюк Ипак йўлининг марвариди бўлиб келган мамлакат ҳақида унутилмас таассуротлар, ёрқин хотиралар қолдиради. Мазкур мақолада палов, лағмон, кабоб сингари ўзбек миллий таомларининг бетакрор таъми ва тайёрланиш усулларига оид маълумотлар ҳам қаламга олинган.

**“Teckbote-Kirchheimer Zeitung” газетаси**нинг ахборот порталида эълон қилинган “Қадимий тарихга эга ёш давлат” сарлавҳали мақола ҳам мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти мавзуига бағишланган.

Маълумот тариқасида айтиш жоизки, мазкур газета таҳририяти ўз ўқувчилари учун юртимиз бўйлаб ўн кунлик саёҳат ташкил қилган эди. “Teckbote-Kirchheimer Zeitung” нашрида чоп этилган ушбу мақолада Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудуди орқали кўп асрлар давомида Осиё ва Европа ўртасида фаол савдо-сотиқ алоқалари олиб борилгани, ўша даврда ва ҳозирги кунда ҳам бутун жаҳонга машҳур бўлган гўзал шаҳарлар гуллаб-яшнаб, тараққий топгани эътироф этилади.

“Ўтмишнинг сассиз гувоҳлари ҳамон барҳаёт. Бугунги кунгача яхши сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар ўз ажойиб бозорлари ва карвонсаройлари билан донғи кетган” Бухоро шаҳри ажойиб тасвирланган.

Шунингдек, порталда Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳада эришган муваффақиятлари ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

“Немис сайёҳлари ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимияти билан яқиндан танишиш ва икки маданият вакиллари ўртасидаги мулоқотни шакллантиришига ишонч билан қарайдилар”, дея хулоса қилади “Teckbote-Kirchheimer Zeitung” газетаси.

Германияда чоп этиладиган минтақавий нашрлардан бири — **“Munchner Merkur” газетаси** ҳам ўз ўқувчиларини мюнхенлик сайёҳларнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари бўйлаб саёҳатларидан орттирган бой таассуротлари билан таништирган. Мақолада немис сайёҳларининг мамлакатимиз бағрида жойлашган бетакрор осориатиқалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан бирга, юртимизда қадимий тарихий-меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш, миллий анъана ва маданий қадриятларни асраб-авайлаш, шунингдек, мамлакатнинг замонавий қиёфасини бунёд этиш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига оид атрофлича маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Кулол яратган мўъжиза

*Ҳунармандларимиз томонидан ясалган миллий маҳсулотлар азалдан маълум ва машҳур. Бугунги кунда эса ўзида қадимий анъаналар ва бетакрор қадриятларимизни акс эттирган бундай буюмлар санъат асари даражасида эъзозланмоқда. Боболардан фарзандларга, фарзандлардан набираларга мерос бўлиб ўтиб келаётган ҳунармандчилик, хусусан, унинг кулоллик тури истиқлол йилларида, айниқса, тобора ривожланаяпти.*

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Жиззах туманидаги “Қулама” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Дилноза Туропова — кулолларнинг бешинчи авлоди. У ёш бўлишига қарамай, ҳунармандлар орасида аллақачон ўз ўрнини топиб улгурган. Чунки Дилноза ва унинг шогирдлари қўлида сайқал топган маҳсулотлар вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли танловларда эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда. Хусусан, у жорий йилда Президент совринни учун ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танловида “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли” номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

— Истиқлолнинг тенгдоши эканлигимдан фахрланаман, — дейди Дилноза Туропова. — Негаки, мустақиллик йилларида ёшларга билим олиш ва ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилгани туфайли мана шундай муваффақиятларга эришаяпмиз. Оилавий ҳунармандчилигимиз бир асрдан зиёд давр давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. Бу касб сир-асрорларини пухта эгаллашимда отам — Тўлқин Зокиржоновнинг маслаҳатлари, айниқса, асқотмоқда.

— Оддий лойдан санъат асари яратиш инсондан нозик дид ва улкан маҳоратни талаб қилади,



— дейди “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Камол Абдураҳмонов. — Ана шундай хислатларни ўзида мужассам этган Дилноза Туропованинг ўттиздан ортиқ турдаги кулоллик маҳсулотлари тарихий ёдгорликларни таъмирлашда ишлатилмоқда. Жумладан, Ғаллаорол туманидаги “Саврук ота”, Фориш туманидаги “Ҳасан ота”, Жиззах туманидаги “Парпи ота” ва “Хўжа Ғозиён” каби тарихий обидаларни қайта тиклашда айнан унинг деворий безакларидан фойдаланилди.

Таъкидлаш жоизки, хусусий тадбиркор Дилноза Туропованинг ўйинчоқлари, ҳайкалчалари, иссиққа чидамли безакли девор қопламалари ва сополдан ясалган уй-рўзғор буюмлари нафақат маҳаллий харидорлар, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

У шу кунларда банкдан олинган 12 миллион сўмлик кредит эвазига устахонасининг фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Асосий мақсади эса Жиззах кулоллик мактаби довруғини бутун дунёга ёйишдир.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.


ASAKA BANK

2013 йилнинг 22 июлида

**Moody‘s Investors Service**
халқаро
рейтинг агентлиги

**«Асака»**
давлат-акциядорлик
тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи
**«БАРҚАРОР»**

1214R/15



**«FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ёзёвон тумани СИБ томонидан ФВХ судининг 2011 йил 19 октябрдаги 15-11-03/30003 -сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани, «Навбаҳор» ҚФЙ, Андижон кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 40 757 GAA бўлган, «AUDI Q7 4.2 QUATTRO» русумли автотранспорт воситаси арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 279 587 419 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 12 август куни соат 15.00 да ўтказилади.

Автотранспорт воситаси билан Ёзёвон тумани суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 9 август соат 18.00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg‘ona mulk markazi» МЧЖнинг ДТ Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001; МФО: 00497; СТИР: 302134194.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz**

1223R/745

*Гувоҳнома №1177.*


• Реклама ва эълонлар •


**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 5483/4-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, Истиқлолнинг 5 йиллиги маҳалласи, Гулшан кўчаси, 4-уйда жойлашган, 2006 йилда қурилган, умумий ер майдони 390,7 кв.м. бўлган кўчмас мулк савдога қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 282 267 963 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 август куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ХЁАТБ «HI-TECH BANK»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО: 01066, СТИР: 302373151.

1221R/1091

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон (8-371) 254-69-13.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.*



*ДИҚҚАТ ЎЗГАРТИРИШ!*

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖнинг**

«Халқ сўзи» газетаси 2013 йил 20 июлдаги 141 (5815)-сонида чоп этилган эълонининг «Аукцион савдоси 2013 йил 25 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади» деган хатбошиси «Аукцион савдоси 2013 йил 26 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади» **деб ўқилсин**.

1222R/1091

**Маълумот учун телефон: (8-371) 254-69-13.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.*



**«MAXLAS» МЧЖ**

**боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган**

**моторли пуркагични**

**таклиф этади.**




**Моторли пуркагич, бир минутда — 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.**

*Тўлов исталган шаклда.*

Мурожаат учун телефонлар: **(+99895) 170-17-56, (+99895) 177-17-56.**
Факс: **(8-371) 234-62-33.**
E-mail: **maxlas62@mail.ru**

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

1207R/724


Спорт • Sport • Спорт

## Мезбонлар ғолиб чиқди

***Фарғона шаҳридаги “Кимёгар” спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида чим устида хоккей бўйича республика турнири ташкил этилди.***

Унда мамлакатимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоалари ўзаро беллашди.

Қизлар ўртасидаги баҳслар якунида мезбонлар Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятларидан келган рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Олти жамоа иштирок этган ўсмирлар мусобақасида эса “Фарғона-Азот” жамоаси бош совринга сазовор бўлди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёш полвонлар беллашуви

***Навоий шаҳрида юнон-рум кураши бўйича 1998 — 1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мусобақа ўтказилди.***

Баҳсларда 120 нафар ёш полвон ўз имкониятини намойиш этди.

Уч кун давом этган беллашувлар якунида энг кўп совринли ўринларга эгалик қилган мезбонлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент ва Бухоро вилоятларидан келган ёш курашчилар мос равишда иккинчи ҳамда учинчи поғоналардан жой олдилар.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5